**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.12.2017.S.21.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚЎЙСИНОВА ФАЗИЛАТ ОРИПОВНА**

# ИСЛОМ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ТАШКИЛОТИ ЯҚИН ШАРҚ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ СИЁСИЙ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА

**23.00.04–Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг сиёсий муаммолари**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**УЎК:28-7:327(100)**

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по политическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on Political sciences**

**Қўйсинова Фазилат Ориповна**
Ислом конференцияси ташкилоти Яқин Шарқ араб давлатлари сиёсий интеграциялашувининг омили сифатида..... 3

**Қўйсинова Фазилат Ориповна**
Организация исламской конференции как основа политической интеграции арабских государства Ближнего Востока..... 19

**Kuysinova Fazilat Oripovna**
The organization of the Islamic Conference as the basis for the political integration of Arab Statesin the Middle East..... 37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**
Список опубликованных работ
List of published works ……..…….. 41

**ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.S.21.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚЎЙСИНОВА ФАЗИЛАТ ОРИПОВНА**

# ИСЛОМ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ТАШКИЛОТИ ЯҚИН ШАРҚ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ СИЁСИЙ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА

**23.00.04–Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг сиёсий муаммолари**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/Ss131 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzswlu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|---|---|
| **Илмий раҳбар:** | **Жўраев Нарзулла Қосимович**<br>сиёсий фанлар доктори, профессор |
| **Расмий оппонентлар:** | **Тўлаганова Ниҳола Ўзбековна**<br>сиёсий фанлар доктори, профессор |
| | **Абдуллаев Нодир Абдулҳайевич**<br>сиёсий фанлар номзоди, доцент |
| **Етакчи ташкилот:** | **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих институти** |

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.S.21.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___»_____соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100070, Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (998971) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100070, Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (998971) 233-52-24.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги ___-рақамли реестр баённомаси).

**У.Ю.Идиров**,
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси,
с.ф.д., профессор

**Д.Б.Сайфуллаев**,
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш котиби, тарих фанлар
бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Р.З. Жумаев**,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси, с.ф.д,
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда халқаро алоқаларнинг самарали тизими халқаро муносабатлар акторларига боғлиқ бўлиб, уларнинг давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш ва умумжаҳон муаммоларини ҳал қилишда етакчи ўрин тутаётганлиги халқаро ташкилотлар фаолиятини илмий жиҳатдан атрофлича тадқиқ қилишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтиради. Халқаро муносабатлар тизимида Ислом конференцияси ташкилотининг мусулмон олами сиёсий позициясини акс эттириши алоҳида аҳамиятга моликдир. Яқин Шарқ минтақаси араб давлатларининг интеграцияси жараёнларига таъсир кўрсатган омиллар ичида энг муҳим институционал ҳолат Ислом конференцияси ташкилотининг вужудга келиши ҳисобланади. Айнан шу сабабдан ташкилотнинг ташкил этилиши, унинг тизимли ривожланиши, минтақа давлатлари интеграция жараёнларига таъсир кўрсатиш омилларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё миқёсида Ислом конференцияси ташкилоти халқаро ташкилот сифатида ўзига хос ўринга эга бўлиб, ташкилот фаолиятини ўрганиш бутун мусулмон дунёсида интеграциялашув жараёнларини ривожлантириш, шунингдек, айрим аъзо давлатлар, хусусан, араб давлатлари ташқи сиёсатига таъсир этадиган омилларни аниқлаш ва таҳлиллар асосида илмий хулосалар ишлаб чиқиш имконини беради. Шу жиҳатдан Яқин Шарқ минтақаси сиёсий жараёнларидаги ўзгаришлар, араб давлатлари ривожланиши, уларнинг иқтисодий эркинликка эришиши, давлатлар мустақиллигининг мустаҳкамланиши Ислом конференцияси ташкилотининг вужудга келиши ва унинг минтақавий муаммоларни хал қилиш борасидаги фаолиятини тўлиқ тадқиқ қилиш заруратини изоҳлайди.

Мамлакатимиз Ислом конференцияси ташкилотини мусулмон давлатларини бирлаштирувчи ташкилот сифатида эътироф этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: «Аъзо давлатларни мусулмон оламида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ва барқарор ривожланиш йўлида бирлаштириш, ўзаро ҳамкорликнинг ишончли механизмларини, аъзо мамлакатларнинг долзарб масалалари юзасидан мулоқот қилиш учун ўзига хос майдон яратишга хизмат қиладиган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг роли ва масъулияти янада ортмоқда»[1]. Ҳозирги кунда халқаро майдонда ташкилот фаолияти, унинг мавқеи, шунингдек, барча аъзо давлатлар ва Яқин Шарқ араб давлатлари ҳамжиҳатлигини таъминлашдаги ролини тадқиқ этишга бўлган илмий эҳтиёж масаланинг долзарблигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-vazifasini-bazharuvchi-sha-18-10-2016.

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 16 апрелдаги ПФ–5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 29 январдаги ПҚ–4139-сон «Сиёсий фанлар соҳасида кадрлар тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот республика илм-фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» дастури доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ислом конференцияси ташкилоти ҳамда Яқин Шарқ мамлакатлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар сиёсий, тарихий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатларни қамраб олади. Яқин Шарқдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва араб мамлакатлари бўйича жаҳоннинг кўзга кўринган эксперт ва сиёсатшунослари: В.Льюис, А.Парсонс, С.Хантингтон, Ш.Телами, Л.Дэвидсон, А.Гольдшмидт, Н.Попеску, С.Секрьер, Р.Синделар, Ж.Петерсон, Ч.Доран, С.Бак, К.Дэвис, Э.Кедури, Э.Геллнер, Р.Буллиет, Ф.Закария, Э.Поллард, Яннис А. Стиватчис, Амин Мухамад Ешкерат, Аль-Кадамани Мажид Ахмад, Мохаммед Гази Рашид, Ж.А.Захер Муъташ, Хаддад Рияд Мухаммед, Хататба Фахед Рида, Хива Фейзилар, Ислом конференцияси ташкилоти фаолияти масалалари Виктор Луис Гутьеррес Кастильо, Нур Ахмад Баба, Ғулом Сарвар, Саад С. Хан, Паоее Ваесаҳмае, Оладипо Фасекилар[2] ишларида илмий тадқиқ қилинган.

Яқин Шарқ мамлакатларининг сиёсий, иқтисодий масалалари ва араб давлатларининг халқаро муносабатдаги фаолияти Россия олимлари: В.Бодянский, Г.Бондаревский, Л.Медведко, В.Наумкин, Б.Койбаев, Е.Примаков, Ц.Чикаидзе, А.Цветянский, А.Колобов, Л.Исаев, В.Ахмадулин, Н.Беренкова, С.Махнёв, А.Скосырев, Б.Баратали, Л.Руденколар, Ислом конференцияси ташкилоти ва унинг халқаро муносабатлардаги ўрни Э.Наджип, Н.Жданов, Ал-Файез Мохаммед Зия, Р.Хасанов, Мутмайин Айнуддин, М.Мамаладзе, Е.Сидорова, Э.Султанов, А.Сулейманов, С.Ковалев, С.Алиева, Д.Исламовлар[3] тадқиқотларида атрофлича таҳлил этилган.

Яқин Шарқ давлатлари тараққиёти, минтақанинг халқаро муносабатлардаги ўрни, араб дунёсининг сиёсий жиҳатлари ўзбекистонлик шарқшунос, сиёсатшунос ва тарихчи олимлар: Ў.Рустамов, Д.Раҳмонов, Т.Саттаров, Д.Валиева, А.Хайдаров, З.Мунавваров, Ш.Ёвқочев, Н.Абдуллаев, С.Ғафуров, С.Мавлянова, К.Шониёзов, А.Абдисаттаров, М.Муҳамадсидиқов,

[2] Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.
[3] Диссертацияда ушбу муаллифларнинг тадқиқотларидан кенг фойдаланилган.

Д.Мадаминова, Д.Аминова, А.Қурбонов, Ф.Каримов[4] ва бошқалар томонидан ўрганилиб, юксак илмий аҳамиятга эга тадқиқотлар олиб борилган. Мамлакатимизда Ислом конференцияси ташкилоти бўйича аниқ илмий тадқиқот ўтказилмаган бўлса-да, мазкур ташкилотнинг фаолияти ва унинг Ўзбекистон билан муносабатларини очиб беришга қаратилган илмий мақолалар чоп этилган. Жумладан, Н.Алимованинг[5] илмий мақолаларида ташкилотнинг фаолият тизими борасидаги қарашлар баён этилган.

Ислом конференцияси ташкилотининг ташкил этилиши, ҳуқуқий асослари ва унинг халқаро майдондаги ўрни бўйича кўплаб илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, Ислом конференцияси ташкилоти фаолияти мамлакатимизда комплекс тарзда кўриб чиқилмаган ва илмий жиҳатдан етарлича тадқиқ этилмаган.

Диссертация ишида Яқин Шарқ араб давлатларининг ўзаро муносабатлари, уларнинг интеграциялашувига таъсир кўрсатган омиллар, шунингдек, Ислом конференцияси ташкилотининг 1969-1990 йиллардаги фаолияти ва ташкилотнинг араб давлатлари сиёсий интеграциялашувидаги иштироки масалалари илмий тадқиқ этилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлари» доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** XX асрнинг 1969-1990 йилларида Ислом конференцияси ташкилотининг Яқин Шарқ араб давлатлари сиёсий интеграциялашувидаги ўзига хос ўрни ва таъсирини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Яқин Шарқ минтақасидаги сиёсий жараёнлар, араб давлатлари интеграциясининг фундаментал асослари ва уларга таъсир кўрсатган омилларни аниқлаш;

Ислом конференцияси ташкилотининг вужудга келишига сабаб бўлган сиёсий омилларни ўрганиш, ташкилот фаолияти ва унинг дастурий ҳужжатларида сиёсий мақсад ва манфаатларнинг намоён бўлишини очиб бериш;

Ислом конференцияси ташкилотининг Яқин Шарқ минтақасидаги низоларга нисбатан сиёсий позицияси, ташкилотнинг глобал ва регионал миқёсдаги тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган фаолиятини таҳлил қилиш;

Ислом конференцияси ташкилотининг халқаро мусулмон ташкилоти сифатидаги ўзига хослигини эътироф этган ҳолда, ташкилотнинг халқаро муносабатлар тизимидаги ўрни ва сиёсий имижини аниқлаш;

Ислом конференцияси ташкилотининг Яқин Шарқ араб давлатлари интеграциялашуви борасидаги фаолияти, араб бирдамлигининг вужудга келиш самарадорлигини илмий баҳолаш;

---

[4] Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган ва тадқиқотда фойдаланилган.

[5] Диссертацияда ушбу муаллиф тадқиқотларидан фойдаланилган.

Ислом конференцияси ташкилотининг келгусидаги барқарор ривожланиши борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида 1969-1990 йилларда Ислом конференцияси ташкилотининг Яқин Шарқ араб давлатлари сиёсий интеграциялашувидаги фаолияти олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Ислом конференцияси ташкилотининг 1969-1990 йиллардаги фаолияти, Яқин Шарқ араб давлатларининг ўзаро муносабатлари, араб давлатларининг интеграциялашувига таъсир кўрсатган омиллар, Ислом конференцияси ташкилотининг араб давлатлари сиёсий интеграциялашувини вужудга келтириш борасидаги роли каби масалалардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари**. Диссертацияда тизимли таҳлил, умумлаштириш, тарихийлик, қиёслаш ва хронологик баҳолаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Араб мусулмон бирдамлигини кучайтириш, миллий - диний манфаатлар ҳимояси зарурати Яқин Шарқ араб давлатлари номутаносиб ташқи сиёсати минтақа ҳаёти учун хавфлилигини англаб етиши уларнинг сиёсий жиҳатдан бирлашишига асос бўлганлиги очиб берилган;

Ислом конференцияси ташкилоти ташкил топишининг тарихий, сиёсий, мафкуравий омиллари, шунингдек, Яқин Шарқ араб давлатларининг мусулмон ҳамдардлиги асосида бирлашиши ва консолидацияси илмий асослаб берилган;

Ислом конференцияси ташкилоти ривожланиш тенденциялари, ташкилотнинг Яқин Шарқ араб давлатлари сиёсий интеграциясида муҳим институционал омил бўлганлиги асосланган;

Ислом конференцияси ташкилотига аъзо давлатлар, хусусан, Яқин Шарқ араб давлатлари ўртасидаги муносабатлар тенденцияси, ташкилотнинг мусулмон манфаатларига оид барқарорликни таъминлашга қаратилган фаолияти очиб берилган;

Ислом конференцияси ташкилотининг халқаро муносабатларга таъсири, мақоми аниқланиб, ташкилот ислом динига эътиқод қилувчи мамлакатлар ўртасидаги диний, маданий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим субъект эканлиги илмий асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

Ислом конференцияси ташкилотининг ривожланиш тенденциялари, ташкилотнинг Яқин Шарқ араб давлатлари сиёсий интеграцияси самарадорлигини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси юзасидан илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган;

Ислом конференцияси ташкилоти фаолияти ривожи ва аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш истиқболлари бўйича амалий тавсиялар берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда фойдаланилган манбалар, уларни илмий муомалага олиб кириш, бу жараёнларда қўлланилган ёндашув ва усуллар, расмий ҳужжатлар, республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари, тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, шунингдек, улар

ҳақидаги рецензиялар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти.** Таҳлиллар, умумлашмалар, хорижий манбалар Яқин Шарқ минтақасида рўй берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, араб давлатларининг ўзаро муносабатлари, Ислом ҳамкорлик ташкилоти фаолияти тўғрисида ишлаб чиқилган хулосалар бу соҳага қизиққан барча илмий жамоатчилик вакиллари - олимлар, зиёлилар ва олий ўқув юртлари талабалари учун илмий манба сифатида хизмат қилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти.** Диссертацияда илгари сурилган илмий хулосалар ва унда шакллантирилган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг вужудга келиши, фаолиятининг турли даврлардаги хилма-хиллиги, Яқин Шарқ араб давлатлари ташқи сиёсий муносабатлари ва уларнинг интеграциялашув омилларига оид маълумотлардан «Жаҳон сиёсати», «Халқаро муносабатлар», «Ташқи сиёсат», «Сиёсатшунослик», «Минтақашунослик», «Халқаро ташкилотлар», «Халқаро ва минтақавий ислом ташкилотлари» йўналишлари бўйича фанларни ўқитишда ҳамда тегишли йўналишлардаги тадқиқот ишларини бажаришда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши**. Ислом конференцияси ташкилотининг Яқин Шарқ араб давлатлари сиёсий интеграциялашуви жараёнларига таъсири ҳамда ташкилотнинг халқаро муносабатлардаги иштирокини янада такомиллаштириш борасида ишлаб чиқилган илмий-назарий хулоса ва таклифлар асосида қуйидагиларга эришилди:

Ислом конференцияси ташкилоти (Ислом ҳамкорлик ташкилоти)нинг халқаро муносабатларга таъсири, ушбу тизимда тутган ўрни, халқаро мақоми, ташкилотнинг мусулмон мамлакатлари ўртасидаги диний, маданий, сиёсий, ижтимоий-гуманитар, иқтисодий ҳамкорлигини мустаҳкамлашдаги роли, шунингдек, глобаллашув шароитида минтақада вужудга келган низоларга нисбатан ташкилотнинг сиёсий позицияси юзасидан ишлаб чиқилган илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг Ўзбекистон Республикаси ва Ислом ҳамкорлик ташкилоти ўртасида имзоланган «Йўл харитаси»да фойдаланилган (Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2019 йил 20 майдаги №02/166-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур илмий хулосалар Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг Ўзбекистон Республикаси ва Ислом ҳамкорлик ташкилоти ўртасидаги «Йўл харитаси»нинг 2-3 бандлари ижросининг бажарилиши борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқишда илмий манба бўлиб хизмат қилган;

Ислом конференцияси ташкилотининг ривожланиш тенденцияларига дахлдор бўлган қарашлар ташкилотнинг Яқин Шарқ араб давлатлари сиёсий интеграцияси учун муҳим омил бўлганлиги илмий жиҳатдан асосланганлиги, Ислом конференцияси ташкилотига аъзо давлатлар, хусусан, Яқин Шарқ араб давлатлари ўртасидаги низолар ва келишмовчиликларнинг ривожланиш тенденциялари, сабаблари юзасидан ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлардан

2019 йил 7-8 октябрь куни ўтказилган Ислом ҳамкорлик ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси йиғилиши ҳужжатларини шакллантиришда фойдаланилган (Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказининг 2019 йил 15 октябрдаги 03/1257-сон маълумотномаси). Мазкур илмий хулосалар «Тинчликсевар, демократик жамиятлар барпо этиш ва барқарор ривожланиш йўлида ёшлар ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишнинг аҳамияти» мавзусидаги Йиллик 6-семинар ҳужжатларини ишлаб чиқишда илмий манба бўлиб хизмат қилган;

Ислом конференцияси ташкилоти ташкил топишининг тарихий, сиёсий, ғоявий омиллари, Яқин Шарқ араб давлатларининг ислом дини ва мусулмон ҳамдардлиги асосида бирлашиши, консолидацияси, шунингдек, ташкилотнинг ривожланиш тенденцияларига дахлдор бўлган илмий хулосалардан «Ҳаракатлар стратегиясини бажариш даврида мамлакатимизда маънавий хавфсизликни таъминлаш масалалари» мавзусидаги ITD-1-(42) рақамли амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 майдаги 89-03-2266-сон маълумотномаси). Натижада, Ислом конференцияси ташкилотига аъзо давлатлар, хусусан, Яқин Шарқ араб давлатлари ўртасидаги низолар ва келишмовчиликларнинг ривожланиш тенденциялари, сабабларига дахлдор бўлган илмий хулосалардан лойиҳа бўйича тайёрланган ўқув-услубий мажмуа ва қўлланмалар тайёрлашда фойдаланилган;

Ислом конференцияси ташкилотига аъзо давлатларни ислом дини ва мусулмон ҳамдардлиги асосида бирлашиши, консолидацияси борасидаги хулоса ва таклифлар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Mahalla» телерадиоканали давлат унитар корхонаси томонидан «Осойишта ҳудуд» кўрсатувида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Mahalla» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2019 йил 1 майдаги №03-16-577-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф ва тавсиялар тингловчиларда Ислом конференцияси ташкилоти ташкил топиши ва унга аъзо давлатларнинг ислом дини ва мусулмон ҳамдардлиги асосида бирлашиши, консолидацияси борасида фикрлари шаклланишига хизмат қилган.

**Тадқиқот ишининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 7 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий нашрларда, 5 таси республика нашрларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг тадқиқот қисми 154 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети таснифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Яқин Шарқ араб давлатлари интеграцияси жараёнларини тадқиқ қилишнинг назарий ва методологик асослари»,** дея номланади. Мазкур бобда XX асрнинг иккинчи ярмида Яқин Шарқдаги сиёсий жараёнлар таҳлили ўрин олган бўлиб, ушбу минтақадаги низоларнинг характери, минтақада жойлашган араб давлатларининг интеграциясига таъсир кўрсатган омиллар, халқаро муносабатлар акторлари, яъни халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки тадқиқ этилган. Тадқиқот доирасига мавзуга алоқадор бўлган Фаластин, Сурия, Миср, Ливан, Иордания, Саудия Арабистони, Ироқ, Бирлашган Араб амирлиги, Қатар каби давлатлар қамраб олинган. Тадқиқот, асосан, Яқин Шарқ араб давлатларининг интеграциясида Ислом конференцияси ташкилотининг ўрни ва аҳамиятига қаратилган.

Тадқиқот ишида Яқин Шарқ минтақаси ва унинг халқаро муносабатлардаги ўрни, геосиёсий ва геоиқтисодий аҳамияти ҳамда минтақанинг қадим цивилизация ўчоқларидан саналиб, дунё динлари, яъни яҳудийлик, насронийлик ва ислом динининг бешиги ҳисобланиши, ҳудудда турли маданиятлар мавжудлиги фақатгина Ислом цивилизацияси устунликка эга, дея эътироф этилган ушбу ҳудудда бошқа динларнинг ҳам етакчиликка интилиши сабабли низолар, мафкуравий ва диний қарама-қаршиликлар маркази бўлиб келганлиги ўз аксини топган.

Географик жиҳатдан Яқин Шарқ Европа, Осиё ва Африкани боғлайдиган муҳим минтақа ҳисобланганлиги боис XVIII-XIX асрларда Туркия, Англия, Франция, Германия, XX асрда эса АҚШ ва СССРнинг ҳудудга нисбатан манфаатдорлигини юқорилиги минтақада қудратли давлатлар геосиёсий стратегияларининг турли тарзда шаклланишига олиб келди. Тадқиқотчи олимлар (З.Мунавваров, С.Ғафуров, Н.Абдуллаев, М.Муҳамадсидиқов, Ф.Каримов, А.Шумилин, Ц.Чикаидзе[6]) қарашларини таҳлил қилиш асосида Яқин Шарқ ҳудудда нефть захираларининг аниқланиши натижасида минтақанинг халқаро майдондаги нуфузи ошиши билан бирга, қудратли давлатларнинг сиёсий ҳукмронлигини ўрнатишга интилиши ва геосиёсий курашларнинг авж олиши жараёнлари кузатилгани ўрганилган.

Минтақа давлатларининг энергетик салоҳияти ҳар доим ҳам уларнинг фаровонлигига хизмат қилмаган, Саул Коэн Яқин Шарқ минтақасига нисбатан «парчаланиш тасмаси» (инг. shatterbelt) терминини ишлатиб, «Яқин Шарқ қудратли давлатлар манфаатлари тўқнаш келадиган, бир қатор бир-бирига

[6] Диссертацияда ушбу муаллифларнинг тадқиқотларидан кенг фойдаланилган.

қарама-қарши мамлакатларни қамраб олган, стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳудуд ҳисобланади», дея таъкидлаган[7]. Шу нуқтаи назардан ишда минтақанинг ХХ аср иккинчи ярмида сиёсий, иқтисодий жараёнларда кескинликлар ва мураккабликлар майдонига айланганлиги таҳлил қилинган.

Мазкур бобда ХХ асрнинг иккинчи ярмида Яқин Шарқ минтақасида содир бўлган сиёсий жараёнлар қуйидагича таснифланган: ҳудуддаги давлатларнинг сиёсий мустақиллик учун курашлари; минтақа давлатларининг иқтисодий-молиявий имкониятлари ўсиши; зиддиятлар, уруш, можаролар, шунингдек, диний, этник, миллий, сиёсий қарама-қаршиликларнинг вужудга келиши.

Ушбу жараёнлар қуйидаги воқеликлар билан характерланади: Фаластин ҳудудида Исроил давлатининг ташкил топиши; Сувайш инқирози; бир неча марта юз берган ва ҳанузгача ечимини топмаган араб-Исроил урушлари; араб монархияларининг ташкил топиши ва араб давлатлари сиёсий архитектурасининг ўзгариши (бошқарувнинг турли моделлари мавжуд давлатларнинг ташкил топиши); сиёсий инқилобларнинг содир бўлиши; араб давлатлари ўртасидаги ўзаро тўқнашувлар (Ливан-Сурия, Ироқ-Эрон ва б. низолар) ва ҳоказолар.

Диссертацияда араб давлатлари интеграциясининг фундаментал асослари ва унга таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш асосида, араб давлатлари интеграцияси омиллари сифатида ҳудуд бирлиги, тил бирлиги, дин бирлиги (ислом дини), маданий бирлик, умумий бозор бирлиги, мустамлакачилик ҳамда умумий хавф-хатарга қарши курашда ҳамжиҳатлик ва Фаластин халқига ҳамдардликнинг когнитив асослари келтириб ўтилган.

Минтақада интеграция жараёнларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида халқаро ҳамда давлатлараро ташкилотлар ташкил этилиб, улар олдида сиёсий жараёнларда араб давлатлари ҳамкорлигини таъминлаш, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий интеграция жараёнларини тўғри ва манфаатли ташкиллаштириш масаласи қўйилганлиги, лекин бундай турдаги ташкилотлар фаолияти ҳамиша ҳам самара бермагани таҳлил этилган.

Жумладан, Ислом конференцияси ташкилоти фаолияти борасида тадқиқотчи олимлар (С.Хантингтон, Ш.Ёвқочев, Е.Сидорова, Б.Шакева, Шахноз Ахтар, Аль-Файез Мухаммад Зиёб, Виктор Луиз, Аминуддин Мугмайн Айнуддин[8]) нинг қарашлари таҳлил қилинган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъбири билан айтганда, Ислом конференцияси ташкилоти «Бугунги кунда кўп томонлама ҳамкорлик бўйича энг нуфузли ва йирик институтлардан бири»[9] ҳисобланади.

Шулардан келиб чиқиб, тадқиқот ишида Ислом конференцияси ташкилоти нафақат Яқин Шарқ араб давлатлари, балки бутун мусулмон давлатлари ўртасидаги интеграция, иттифоқчилик ва бирдамлик учун асос бўлган халқаро

---

[7]Cohen S. Geography and Politics in a Divided World. The Eurasian Convergence Zone: Gateway or Shatterbelt? // Eurasian Geography and Economics. Londres, Methuen. - 1964. - No. 1. - P. 1 - 22.

[8] Диссертацияда ушбу муаллифларнинг тадқиқотларидан кенг фойдаланилган.

[9] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-vazifasini-bazharuvchi-sha-18-10-2016.

ташкилот эканлиги таъкидланган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Ислом конференцияси ташкилоти Яқин Шарқ араб давлатлари сиёсий консолидациясининг муҳим омили сифатида»,** дея номланади. Мазкур бобда Ислом конференцияси ташкилоти ташкил топишининг сиёсий асослари ва омиллари ёритилиб, ташкилот тузилиши, унинг тамойиллари ҳамда дастурий ҳужжатларда сиёсий мақсад ва манфаатларнинг намоён бўлиши тадқиқ этилган ҳамда ИКТнинг халқаро мусулмон ташкилоти сифатида Яқин Шарқ араб давлатлари сиёсий консолидациясидаги фаолияти очиб берилган.

Тадқиқот ишида Яқин Шарқ минтақасида содир бўлган кескин сиёсий жараёнлар, яъни араб-Исроил урушларидаги мағлубият, Фаластин муаммоси, шунингдек, 1969 йил 21 августда муқаддас Қуддуси Шарифда жойлашган Ал-Ақсо (Масжидул Ақсо) масжидига ўт қўйилиши[10] бутун мусулмон халқини ларзага солиб, барча араб давлатлари учун узоқ йиллик интеграцияни таъминлашга чақириқ ҳисобланиб, фундаментал асос мусулмон ҳамжиҳатлиги ва бир ғоя остида бирлашиш натижасида 1969 йил 25 августда Қохира шаҳрида 14 та араб давлати Ташқи ишлар вазирлари йиғилишида халқаро майдонда мусулмон уммаси манфатини ҳимоя қилишга қаратилган Ислом Конференциясини чақириш борасидаги ташаббус қўллаб-қувватланганлиги келтириб ўтилган.

Умумий хавфга қарши кураш омили мусулмон давлатларини ҳамжиҳатликка нисбатан эҳтиёжини кучайтириб, турли геосиёсий урушлар ва низоларда Ислом бирлиги асосида мусулмонларни бирлаштириш, халқаро миқёсда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 1969 йил 25 сентябрда Марокаш пойтахти Работ шаҳрида мусулмон мамлакатлари давлат ва ҳукумат раҳбарлари йиғилиши Ислом конференцияси ташкилоти ташкил этилганлигини эълон қилди[11]. Ташкилот штаб квартираси Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида жойлаштирилди ва дастлабки мандати сифатида Қуддусни ва Ал-Ақсони сионистлар тажовузидан ҳимоя қилиш белгилаб олинди. Ислом конференцияси ташкилоти халқаро миқёсда мусулмон давлатларининг мазҳабларига, ирқига, сиёсий қарашларига, иқтисодий фарқланишига қарамасдан бирлаштирган, ислом уммасининг узоқ йиллик интилишларини ўзида ифода этган ташкилот сифатида намоён бўлганлиги ишда атрофлича ёритиб берилган.

Ташкилотга аъзолик ҳолати 1969 йил 25 сентябрдаги Работ конференциясида 25 давлатни ташкил этган бўлса, ташкилот фаолияти халқаро майдонда кенгайиши натижасида 1970 йилларда 42 та давлат, 1980 йилларда 45 давлат, 1990 йилларда 56 та ва 2001 йилда ташкилотга Кот-Д'Ивуар Республикаси аъзолиги белгиланиши билан, аъзолар сони ҳуқуқий жиҳатдан бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятга эга бўлган 57 та давлатни ташкил этиб, ташкилот аъзолиги динамик тарзда ўсганлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Тадқиқот ишида Ислом конференцияси ташкилоти халқаро ташкилот сифатида: халқаро шартнома ва келишувлар асосида тузилганлиги; халқаро

[10] History of Masjid Al Aqsa :The Reason of Conflict. https://islamhashtag.com/history-of-masjid-al-aqsa-the-reason-of-conflict/
[11] http://www.oic-oci.org/

ҳуқуқнинг белгиланган нормаларига амал қилиши; ташкилотга Ислом динига эътиқод қилувчи мустақил давлатлар аъзолиги; дастурий ҳужжатларда мақсад ва вазифалар қатъий белгилангани; ИКТ халқаро ҳуқуқнинг тўла қонли субъекти ҳисобланиши; ислом ҳамжиҳатлиги ташкилотнинг асосий мақсади қилиб белгилангани таъкидлаб ўтилган.

Мазкур бобда Ислом конференцияси ташкилоти ташкилий структурасининг вужудга келиш жараёни икки босқичда амалга оширилди, яъни: ташкилот Халқаро Ислом конференцияси сифатида икки форум: Қироллар, давлат ва ҳукумат раҳбарлари конференцияси (Саммит) ва Ташқи ишлар вазирлари конференцияси доирасидаги фаолияти; ИКТ Бош котибиятининг ташкил этилиши ва ташкилот Уставининг қабул қилиниши, Ислом конференциясини халқаро Ислом конференцияси ташкилоти сифатида трансформациялашувига асос бўлиб, ташкилот ташкилий структураси тўлиқ шаклланганига алоҳида урғу берилган. Ташкилот тузилмалар тизимининг трансформациялашуви ИКТ фаолият самарадорлигининг динамик равишда ўсиб боришига асос бўлганлиги келтириб ўтилган.

Тадқиқотда Ислом конференцияси ташкилоти дастурий ҳужжатларида сиёсий мақсад ва манфаатларнинг намоён бўлиши масалалари ёритилган бўлиб, асосий мақсадлар ташкилот Уставида белгилангани кўрсатилган. Уставнинг халқаро ҳуқуқ нормалари асосида қабул қилиниши ИКТнинг халқаро ташкилот сифатидаги мақомини расмий равишда тасдиқлади. Шунингдек, ташкилотнинг саммит ва конференцияларида қабул қилинган декларацияларда сиёсий мақсад ва манфаатлар сифатида қуйидагилар намоён бўлган: Ислом ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш; мусулмон давлатлари ўртасида ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш; ирқий камситиш ва мустамлакачиликни бартараф этишга кўмаклашиш; тинчлик ва халқаро хавфсизликни қўллаб-қувватлаш; Фаластин халқига, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, босиб олинган ҳудудларда истиқомат қиладиган фаластинликларга зарурий ёрдам кўрсатиш; барча мусулмон мамлакатларининг мустақиллик ва миллий ҳуқуқларини таъминлашлари учун курашларини қўллаб-қувватлаш; ИКТга аъзо давлатларнинг бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш учун шароит яратиш ва ҳоказолар[12].

Ислом конференцияси ташкилоти ташкил топган кундан бошлаб аъзо давлатлар ўртасида икки хил тенденция шаклланган:1) ҳамкорлик - давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик нафақат араб давлатлари, балки барча мусулмон мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиш, Фаластинни қўллаб-қувватлаш, мусулмон дунёсининг обрў-эътибори, мавқеи учун бирлашиш истагида бўлдилар; 2) рақобат - давлатлар ўртасидаги рақобат, сиёсий жараёнларда ўз ҳукмини ўтказиш, етакчиликни таъминлаш, ташкилот доирасида айнан ўзининг иродасини кўпроқ сингдиришга интилувчи давлатлар сафининг ортиб боришида кузатилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Ислом конференцияси ташкилоти фаолиятининг дастлабки йилларида унинг иш самарадорлиги чуқур стратегик мақсадларни қамраб олиб, сиёсий

[12] Palestine and Al-Quds Affairs. https://www.oic-oci.org/dept/?d_id=17&d_ref=3&lan=en

фаолликнинг юқори даражаси билан фарқланган, барча аъзо ёки аъзоликка даъвогар давлатлар ташкилот тузилишига, унинг кейинги фаолиятига янгича бир энтузиазм билан қарар эди. ИКТ ўз фаолиятида дуч келган ички ва ташқи мураккабликлар, аъзо давлатларнинг халқаро босимга учраши, дастурий ҳужжатларда белгиланган вазифалар амалга оширилишидаги қийинчиликлар, аъзо давлатлар сиёсий қарашларидаги тарқоқлик, давлатлар тараққиётидаги нотекислик, турли манфаатларнинг доимий тўқнаш келиши ва ҳоказо омиллар юқоридаги энтузиазмнинг маълум маънода камайишига олиб келганлиги аниқланган.

Диссертациянинг учинчи боби **«Ислом конференцияси ташкилотининг халқаро муносабатлар тизимидаги ўрни ва сиёсий имижи»** деб номланади. Мазкур бобда Ислом конференцияси ташкилотининг 1969-1990 йилларда Яқин Шарқ минтақаси сиёсий муаммоларини ҳал қилишдаги иштироки ўрганилиб, ташкилотнинг трансформациялашуви ва унинг жаҳон ҳамжамияти билан муносабатлари масалалари тадқиқ қилинган.

Ислом конференцияси ташкилоти сиёсий вазифаларни белгилаб олиш жараёнида асосий эътиборни Фаластин муаммоси билан бирга, аъзо давлатлар ўртасидаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, илмий ва интеллектуал ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратган. ИКТ Ташқи ишлар вазирларининг Лахор саммитида мусулмон давлатлари ўртасидаги келишмовчиликлар муҳокама қилинган бўлса, 1981 йилда ташкил қилинган юқори даражадаги Макка учрашувида Сурия ва Иордания ўртасидаги зиддиятлар, Ироқ ва Эрон уруши, Ливиянинг Чад давлатига қўшин киритиши, Ливандаги вазият ва унга Сурияниング аралашуви масалалари, Ироқ ва Эронга ўт очиш, урушни тўхтатиш чақириғи, шунингдек, 1988 йилда ИКТ Ташқи ишлар вазирларининг XVII конференцияси БМТнинг Бош Ассамблеясига «БМТнинг можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш бўйича 598-сонли резолюциясига амал қилмаётганлиги учун Уставга мувофиқ Эронга чоралар кўриш» бўйича мурожаатларига урғу берилган. Сиёсий муаммоларнинг ортиши, ҳудуддаги вазиятнинг кескинлашуви ташкилотни минтақа давлатлари манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқиш ва қатъий чоралар кўришга ундаб, саммитларда аъзо давлатларнинг Ироқ-Эрон, Ироқ-Қувайт ўртасидаги урушларга, Судан-Миср, Жазоир-Марокаш ўртасидаги чегаравий зиддиятларга, Ироқ, Афғонистондаги ҳарбий сиёсий можароларга, Бахрайн-Эрон, БАА ва Эрон ўртасидаги ҳудудий баҳсларга муносабати тадқиқ этилган.

Хусусан, таҳлиллар асосида Ислом конференцияси ташкилотининг сиёсий муаммоларни ҳал қилишдаги фаолиятига аъзо давлатлар ўртасидаги тарқоқлик ва ўзаро низолар салбий таъсир кўрсатгани аниқланди: Ироқ-Эрон ўртасидаги уруш натижасида Афғонистон муаммоси ўз ечимини топмаганлиги; Ироқ-Қувайт можаролари масаласида аъзо давлатлар турли ташқи сиёсий курсга эгалиги; мусулмон аҳолиси озчиликни ташкил этувчи давлатларда мусулмонлар ҳуқуқлари ҳимояси бўйича аъзо давлатлар қарашидаги тарқоқлик.

Диссертацияда Ислом конференцияси ташкилотининг 1970-1990 йилларда умумжаҳон сиёсатида эришган ютуқлари келтирилган: 1973 йилдаги араб-Исроил урушида арабларнинг маълум маънода қўли баланд келди; нефть эмбаргоси натижасида Исроилни қўллаб-қувватловчи Ғарб давлатларига

етарлича таъсир кўрсатилди; БМТда араб тили расмий тиллардан бири сифатида қабул қилинди; БМТ Бош ассамблеяси томонидан фаластин халқи «Фаластин масаласи бўйича асосий иштирокчи» сифатида тан олинди; Фаластин етакчиси Ёсир Арофат 1974 йилнинг 13 ноябрида БМТ Бош Ассамблеясида сўзга чиқиш учун таклиф қилинди; Фаластинни озод қилиш ташкилоти БМТда кузатувчи мақомига эга бўлди ва Бош Ассамблеяда «фаластин халқининг ажралмас ҳуқуқларини амалга ошириш» бўйича қўмита ташкил қилинди; ИКТ БМТда кузатувчи мақомига эга бўлди ва ҳамкорлик ўрнатилди.

Мазкур бобда Ислом конференцияси ташкилотининг трансформацияси ва Ўзбекистон билан муносабатлари ҳам ёритилиб, унда ИКТ ўз олдига қўйган мақсадларини сақлаб қолган ҳолда, ташкилот тузилиши ва фаолияти такомиллашганлиги ҳамда аъзолар сафи кенгайганлиги ўрганилган. Геосиёсий вазиятдаги ўзгаришлар ташкилот фаолияти давомида ўз ечимини топмаган эски муаммолар устига янгиларини, яъни мусулмон дунёсидаги демографик ўзгаришлар, оммавий миграция исломнинг сиёсийлаштирилиши ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни вужудга келтирган. Ушбу муаммолар энди ИКТ ёки аъзо давлатларни эмас, балки глобал миқёсдаги сиёсий муаммога айланганлиги таъкидланган.

Халқаро майдонда ИКТнинг лидерлик даражаси юксак бўлса-да, вужудга келган хавф-хатар ва таҳдидларнинг олдини олиш, ташкилотнинг кейинги ривожланиш векторини белгилаш ёки қайта ташкил этиш масаласи Саммитларда кўп бора кўтарилган. Чунки ўтган асрда вужудга келиб, ўша давр халқаро муносабатларининг мақсад ва вазифасини ўзида акс эттирган ташкилот учун ислоҳот масаласи муҳим ҳисобланиб, ташкилот фаолият самарадорлигини янада ошириш борасида ислоҳотлар амалга оширилган. Масалан, ИКТ Уставига ўзгартиришлар киритилиши, уставнинг қайтадан қабул қилиниши, ташкилот фаолият механизми такомиллашуви, ташкилот номининг ўзгартилиши, Котибият ваколатлари кенгайтирилиши, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш комиссиясининг жорий этилганлиги, аъзо давлатларнинг мажбурий бадал тўлаш назорати тизими ишлаб чиқилганлиги, ташкилотнинг модернизация қилиниши ва бошқалар. Хусусан, Ислом конференцияси ташкилоти номи 2011 йилда Ислом ҳамкорлик ташкилоти сифатида ўзгартирилиб[13], ташкилот фаолиятига доир кўплаб институционал ўзгаришлар ҳам айнан XXI аср бошларида рўй берганлиги тадқиқ этилган.

Тадқиқотда Ислом конференцияси ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатлар 1995 йилдан вужудга келиб, 1996 йил 2 октябрда Ўзбекистон ИКТнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланганлиги ёритилган. 2016 йил 18-19 октябрда Тошкент шаҳрида ўтказилган ИҲТ ТИВКнинг 43-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан «терроризмга қарши курашишда якдиллик, халқаро майдондаги масалаларни биргаликда ҳал қилиш учун янада жипслашиш, Яқин Шарқда ядро қуролидан холи ҳудудни барпо этиш Ислом ҳамкорлик ташкилотининг устувор вазифаларидан бири бўлиши, ислом динининг маърифий ва инсонпарварлик

[13]38 th Session of The Council of Foreign MinistersAstana, Republic Of Kazakhstan (28 – 30 June 2011). https://www.oic-oci.org/confdetail/?cID=11&lan=en

ролини кенг тарғиб қилиш»[14] масаласида ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича амалий ислоҳотлар олиб борилаётгани ҳамда Республиканинг ташкилот доирасидаги ҳамкорлик жиҳатлари ўрганилган.

Шунингдек, мазкур бобда Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари - ижтимоий интеграциялашув жараёни икки босқичда амалга оширилганлиги: *биринчи босқич* - 1995-2015 йилларни; *иккинчи босқич* - 2016 йилдан кейинги йилларни қамраб олганлиги таҳлил этилган.

## ХУЛОСА

Мазкур илмий ишда Ислом конференцияси ташкилоти Яқин Шарқ араб давлатларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий интеграциясига таъсир кўрсатган ва халқаро муносабатлар тизимида етакчи ўрин эгаллаган ташкилот ҳисобланишига алоҳида эътибор берилади. Шундан келиб чиқиб, «**Ислом конференцияси ташкилоти Яқин Шарқ араб давлатлари сиёсий интеграциялашувининг омили сифатида**» мавзусидаги тадқиқот иши давомида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Яқин Шарқда халқаро муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиши ўзига хос бўлиб, минтақанинг интеграциявий салоҳияти, молиявий истиқболлари, иқтисодий иттифоқчилик, диний, мафкуравий, тил бирлиги, миллий ва этник яқинлик, маданий ўхшашлик муносабатларни муваффақиятли ривожлантириш учун асос яратди. Жаҳонда энергетик ресурсларга бўлган талабнинг ошиши натижасида Яқин Шарқ араб давлатларининг ушбу ресурслардан оқилона фойдаланиши ва молиявий имкониятларга эгалиги боис давлатлар иқтисодий кўрсаткичи ошиб, ҳаёт даражаси юқори ўринга кўтарилди.

2. Яқин Шарқда низолар ва геосиёсий курашларнинг авж олиши, дунёнинг қудратли давлатларини ҳудудга нисбатан манфаатдорлигининг юқорилиги ҳамда ўз позицияларини мустаҳкамлаш мақсадида олиб борган сиёсий ўйинлари туфайли минтақада халқаро муносабатларнинг ўзига хос тизими шаклланди. Умумий хавфга қарши кураш омили, геосиёсий курашлар ва зиддиятлар шароитида миллий-диний манфаатларни ҳимоя қилиш зарурати туфайли Яқин Шарқ араб давлатлари номутаносиб ташқи сиёсат минтақа ҳаёти учун ўта хавфли эканлигини англаб етишди.

3. Исроил-Фаластин низолари, Ал-Ақсо масжидига ўт қўйилиши, гарчи араб давлатлари ўртасида қарашлар турлича бўлса-да, *араб национализми ёки бошқача айтганда, араб халқларининг миллий уйғонишига сабаб бўлиб, араб мусулмон бирдамлигини кучайтирди ва халқларни, давлатларни ҳамдардлик асосида бирлаштирди*. Бу жараён минтақа давлатларининг сиёсий интеграциясига асос бўлиб, Ислом конференцияси ташкилотини вужудга келтирди. Барча мусулмон уммаси ҳамда Яқин Шарқ араб давлатларининг халқаро ташкилот тузиш учун сиёсий, иқтисодий ва энг муҳими, маънавий салоҳияти тўлиқ шаклланганлиги, ўзаро бирлашиш истаги, миллий, диний

[14] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-vazifasini-bazharuvchi-sha-18-10-2016.

ўзликни англаш ва Ислом дини омили Ислом конференцияси ташкилотини дунёнинг йирик халқаро ташкилотларидан бирига айлантирди.

4. Ислом конференцияси ташкилоти XX асрнинг иккинчи ярмида Яқин Шарқ араб давлатлари сиёсий интеграциясининг энг муҳим институционал омили сифатида халқаро майдонга чиқди. Ташкилотга аъзо давлатлар, хусусан, Яқин Шарқ араб давлатлари ўртасида сиёсий интеграцияни ташкил этиб, мусулмон давлатларининг ҳамкорлик органини вужудга келтирди, унда аъзо давлатлар бирдамлигининг етакчи элементи диний омилга таяниб, Ислом умумий мезонлар бўйича интеграциянинг асосий манбаси ҳисобланди ҳамда давлатлар ўртасида мамлакатлар манфаатидан умумий манфаатлар устун келиб, ташкилот фаолиятида мусулмон уммасининг манфаатлари миллий манфаатлардан юқори қўйилди. ИКТ сиёсий жиҳатдан мусулмон ҳамжиҳатлигини вужудга келтирган, ислом уммасини бирлаштирган, халқаро майдонда уларнинг манфатларини ҳимоя қила олган, бутун мусулмон оламининг интеграциясини таъминлаш мақсадида фаолият юритаётган халқаро ташкилот ҳисобланади.

5. Ислом конференцияси ташкилоти Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо мамлакатларнинг ¼ қисмини ташкил этиши, аҳолиси сони тез ўсиб бораётган, иқтисодиёти жадал ривожланаётган давлатларни ўз ичига қамраб олганлиги боис нуфузи жиҳатидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан кейинги ўринда турадиган халқаро ташкилот бўлиб, мусулмон давлатларини халқаро муносабатларга таъсир кўрсатишининг муҳим форматига айланди ҳамда мусулмон дунёсининг халқаро майдондаги обрўси ортишига хизмат қилди. ИКТ халқаро муносабатлар тизимида мусулмон мамлакатлари ўртасидаги диний, маданий, сиёсий, ижтимоий-гуманитар, иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамловчи муҳим актор ҳисобланади. Ташкилотнинг самарали фаолияти иқтисодий соҳада юқори бўлиб, аъзо давлатлар ўртасида ўзаро иқтисодий муносабатлар ривожланишининг институционал асосини яратди.

6. Ислом конференцияси ташкилотига олдин вужудга келган ва фаолияти самарасиз якунланган ташкилотлардан ечимини топмаган муаммоларнинг мерос қолганлиги, ташкилот аъзо давлатлари ўртасидаги рақобат, ўзаро тил топиша олмаслик, етакчиликка интилиш, доимий курашлар ва сиёсий манфаатларнинг ислом ҳамжиҳатлиги ғояларидан устун қўйилиши каби омиллар ИКТ фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, минтақадаги сиёсий вазиятнинг турли сценарийлар асосида ривожланишига сабаб бўлган. Шунингдек, Ислом конференцияси ташкилотининг сиёсий муаммоларни ҳал қилишдаги фаолиятига аъзо давлатлар ўртасидаги тарқоқлик ва ўзаро низолар салбий таъсир кўрсатган. ИКТнинг фаолият самарадорлигини таъминлаш ҳамда резолюцияларга амал қилишнинг аниқ ва мажбурий механизмлари тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги, амалий ижро мониторинги тизими йўлга қўйилмаганлиги ташкилот ижтимоий - сиёсий барқарорлигига таъсир кўрсатган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.12.2017.S.21.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

**УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ**

**КУЙСИНОВА ФАЗИЛАТ ОРИПОВНА**

# ОРГАНИЗАЦИЯ ИСЛАМСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ КАК ОСНОВА ПОЛИТИЧЕСКОЙ ИНТЕГРАЦИИ АРАБСКИХ ГОСУДАРСТВ БЛИЖНЕГО ВОСТОКА

**23.00.04 – Международные отношения, политические проблемы глобального и регионального развития**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ**
**ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПОЛИТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2019**

**Тема диссертации на соискание степени доктора философии (PhD) по политическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2019.3.PhD/Ss131.**

Диссертация выполнена в Узбекском государственном университете мировых языков.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета(www.uzswlu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

| | |
|---|---|
| **Научный руководитель:** | **Жураев Нарзулла Косимович**<br>доктор политических наук, профессор |
| **Официальные оппоненты:** | **Тулаганова Нихоля Узбековна**<br>доктор политических наук, профессор |
| | **Абдуллаев Нодир Абдулхайевич**<br>кандидат политических наук, доцент |
| **Ведущая организация:** | **Институт истории Академии наук Республики Узбекистан** |

Защита диссертации состоится «____»_____ 2019 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.28.12.2017.S.21.02 при Ташкентском государственном институте востоковедения. Адрес: 100070, г.Ташкент, ул. Шахрисабз, 25. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (998971) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного института востоковедения (зарегистрирована под №___). Адрес: 100070, г.Ташкент, ул. Шахрисабз, 25. Тел.: (99871) 233-45-21.

Автореферат диссертации разослан «____» _____ 2019 года
(реестр протокола рассылки №____ от «____» _____ 2019 года)

**У.Ю.Идиров**
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.п.н., профессор

**Д.Б.Сайфуллаев**
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
философии (PhD) по историческим наукам, доцент

**Р.З. Жумаев**
Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней,
д.п.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Эффективная система международных связей в мировом масштабе зависит от акторов международных отношений, их ведущей роли в развитии межгосударственного сотрудничества и решении глобальных проблем, что еще больше усиливает необходимость всесторонних научных исследований деятельности международных организаций. В системе международных отношений Организация Исламская конференция отражает политическую позицию мусульманского мира. Появление Организации Исламская конференция является наиболее важным институциональным фактором, влияющим на процесс интеграции арабских стран на Ближнем Востоке. По этой причине важное значение приобретает изучение организации, ее систематическое развитие и факторы, влияющие на процессы региональной интеграции.

В системе международных отношений Организация Исламская конференция отличается от других мусульманских организаций разносторонней деятельностью и системным развитием. Во всем мире Организация Исламская конференция играет особую роль в качестве международной организации, и изучение ее деятельности позволяет развивать интеграционные процессы во всем мусульманском мире, а также выявлять и анализировать неблагоприятные факторы, которые влияют на внешнюю политику отдельных государств-членов и арабских государств. В связи с этим возникает необходимость всестороннего изучения политических процессов в ближневосточном регионе, идеи объединения мусульман в единое государство, развития арабских государств, достижения экономической свободы, укрепления независимости государств, появления Организация Исламская конференция и ее решения региональных проблем.

Узбекистан признает Организацию Исламская конференция как организацию, объединяющую мусульманские страны. Как подчеркивал Президент Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев: возрастает роль и ответственность Организации исламского сотрудничества, которая призвана объединять усилия государст-членов во имя укрепления мира, безопасности, стобильности и устойчивого развития в мусульманском мире, способствовать созданию надёжных механизмов взаимодействия, создавать уникальную платформу для диалога государст-членов по самым актуальным вопросам[15]. По этой причине потребность в системном изучении деятельности Организации Исламская конференция, ее статуса на международной арене, роли в обеспечении сплоченности арабских государств Ближнего Востока, а также всех государств-членов указывает на актуальность этого вопроса.

Данная диссертация служит осуществлению исполнения Указов

[15] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-vazifasini-bazharuvchi-sha-18-10-2016.

Президента Республики Узбекистан от 19 мая 2017 года №УП-5046 «О мерах по дальнейшему совершенствованию межнациональных отношений и дружественных связей с зарубежными странами», от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 16 апреля 2018 года №УП-5416 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности в религиозно-просветительской сфере», Постановления от 29 января 2019 года № ПП-4139 «О мерах по повышению эффективности подготовки кадров, фундаментальных и прикладных исследований в области политических наук», а также других нормативно-правовых актов в данной сфере.

